

Юридик Хизматларнинг Таркиби Ва Уларнинг Бажарадиган Функциялари

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.

Тураев Шахриёр Шодиёрович

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Самарқанд вилоят худудий
бошқармаси бош бухгалтери. Мустақил тадқиқотчи.


Аннотация: мақолада ҳозирга даврда бутун жаҳонда, шу жумладан мамлакатимизда ҳам тоборо ўсиб бораётган аҳолининг кескин ривожланиш даврида юридик хизматларга ҳам эҳтиёж ошиб бораётганлигига алоҳида аҳамият берилиб, уни қондириш учун ҳар бир давлатнинг мукамал қонунчилигига эга бўлиши лозимлиги қайд этилган. Жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда, қонунийликни мустаҳкамлашда, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ижрочилар ва аҳолига етказишда юридик хизматларнинг ўрни бекиёслиги, уни амалга оширишда адвокатнинг роли муҳумлигига ҳам аҳамият берилган.

Калит сўзлар: юридик хизмат, битим (шартнома)га мувофиқ, жисмоний шахс, юридик шахс, тарафларнинг реквизитлари, ишонч билдирувчи шахс, ҳимоя остидаги шахс, ҳайъат, фирма, бюро.

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирда қонунчиликда барча турдаги янгиликларни тўғридан тўғри истемолчиларга яъни жисмоний ва юридик шахсларга етказишда, унинг ижросида амалий иштирок этиш, жиноят, фуқаролик, иқтисодий ёки маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги бошқа ишларни кўриш ва ҳал этишда ҳимояни ёки вакилликни амалга оширишда қонуний вакил сифатида юридик хизмат соҳа ходимларининг ўрни ва роли муҳумдир. Зеро, юридик хизматларни ривожлантириш, уни такомиллаштириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январда “**Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**” ПҚ-2733-сонли қарори қабул қилинди. Шунингдек, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда ва ривожлантиришда давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллантириш, қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш»¹ масаласи қўйилган. Бунда юридик хизматларга янгича ёндашиш орқали, унинг сифат даражасини ошириш масаласига эътиборимизни қаратишимиз лозим бўлади.

Бу бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 19 январ куни “**Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**” ПҚ-2733-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, 2017 йилнинг 01 май куни Вазирлар Маҳкамасининг “2017 йил 19 январда имзоланган қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 250-сонли қарори ҳам қабул қилинди. Кўриниб турибдики, ушбу масала давлатимизнинг ҳам эътиборида бўлиб келаётганлиги мазкур мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

¹ Ш.М.Мирзиёев “2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси” 2017 й 7 феврал. ПФ-4947 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон,



Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Мазкур мавзу билан мамлакатимизда ва хорижий давлатларда ҳам олимлар ва амалиётчи ходимлар шуғулланиб келмоқдалар. Булар жумласига Л.Б. Хван, Ф.Ҳ. Отахонов, Ҳ.Б.Бобоев, И.Б.Зокиров, Ў.Х.Мухамедов, З.Муқимов, Х.Т.Одилқориев, О.Оқюлов кабиларни² киритиш мумкин. Ушбу олимларнинг асарларида мазкур масала қисман ўрганилган бўлиб, унда юридик хизматларида айнан адвокатлик тузилмаларини муоммолари қараб чиқилган. Ушбу ҳолат ҳам танланган мавзунинг ҳозирги кунда, ўта долзарб муаммонинг ечимига бағишланганлигидан далолат беради.


Тадқиқот методологияси. Мақолада мантиқий таҳлил, анализ ва синтез, сабаб ва оқибат, замон ва макон, индукция ва дедукция, тизимли ёндошув, иқтисодий таҳлилнинг анъанавий, иқтисодий математик ва статистик каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда мамлакатимизда давлат органлари фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда юридик хизматларнинг ўзига хос ролига ҳам алоҳида аҳамият қаралмоқда. Ҳозирда қонунчиликда янгиликлар юз бермоқда, талаблар ортиб, фаолият мезонлари такомиллашмоқда. Идора ва ташкилотларда фаолият юритаётган юридик хизмат ходимлари бу янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлиши, ходимларни бундан огоҳ этиши, тайёрланаётган ҳужжатларни эса, янги меъёрларга мослаштириши, жойлардаги ҳуқуқий муаммолар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари уларнинг ҳуқуқий эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда таъминланишини чуқур ўрганиш, жамиятдаги аниқ ҳуқуқий ҳолатдан келиб чиқиб ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш чораларини ҳам кўриш зарур бўлади.


Юридик хизматларни кўрсатишнинг долзарблиги яна шу билан белгиланадики, уни умумий қоидаларни белгиламасдан балки, эскирган ва асосиз қоидалар билан замонавий янги Ўзбекистоннинг ҳаётига қўллаб бўлмайди. Чунки янги йўналишда инсон манфаатларини кўзлаган ҳолда фаолиятни амалга ошириш зарур бўлмоқда. Шунингдек, ҳозирги жадал ривожланаётган даврда катта эътиборда бўлган тадбиркорлик субъектларининг юридик хизматга бўлган эҳтиёжи ҳам кескин ошиб бормоқда. Бу эҳтиёжларни тўла қондириш масаласининг ким томонидан амалга оширилиши ҳам муҳимдир. Албатта бунда тадбиркорлик билан шуғулланадиган корхона раҳбарларининг ташаббуси, унинг ишга бўлган маъсулияти муҳим ҳисобланади.

Мазкур масалаларни амалга оширишда юридик хизмат кўрсатувчи адвокатлик тузилмаларда фаолият олиб боровчи малакали юридик мутахасисларнинг ўрни беқиёс бўлиб ҳисобланади. Бу юридик хизматларга бўлган оммавий эҳтиёжни қондириш учун қонунчиликдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ўзгаришларни инобатга олиб, такомиллаштириб боришни тақозо қилади. Бунда адвокатлар асосий соҳа ходими сифатида иштирок этади.

² Хван Л.Б. “Солиқ ҳуқуқи” 2001 й. 430-Б Консаудитинформ нашриёти, Отахонов Ф.Ҳ. “Юридик хизматнинг ҳўжалик шартномаларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашдаги роли” Ж.Хўжалик ва ҳуқуқ. – 2001. – 10-сон. – Б.26-33., Каримов И.А. “Адолат қонун устиворлигида”. -Т. “Ўзбекистон”. 2001й., Ҳ.Б.Бобоев “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” 2000 й. 523-Б. Тошкент Давлат юридик институти, И.Б.Зокиров “Фуқаролик ҳуқуқи” 2009 й. 609-Б. Тошкент Давлат юридик институти, Ў.Х.Мухамедов “Ҳуқуқшунослик асослари” 2019 й. 348-Б. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВАкадемияси, 2019, З.Муқимов “Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи” 2003.Тошкент Адолат нашриёти. 280-Б. , Х.Т.Одилқориев “Ўзбекистонда давлат ва жамият инновацион ривожланишининг ҳуқуқий жиҳатлари” 2019й. Юристар малакасини ошириш маркази. 307-Б. , О.Оқюлов “Интеллектуал мулк ҳуқуқи” 2005 й. Фалсафа ва ҳуқуқ институти Тошкент. 40-Б.,



Юридик хизмат халқ хўжалигининг барча тармоқларида, яъни ишлаб чиқариш ва хўжаликни бошқаришнинг ҳамма бўғинларида, вазирлик, идора, уюшмаларда, корхона, муассаса ва ташкилотларда, шунингдек ҳокимликлар, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий органларида мавжуд бўлиб, тизимли равишда қўлланилиб келинмоқда. Фаолиятнинг ҳар бирини юридик хизматсиз ташкил этиб бўлмайди. Маҳаллий давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш учун уларнинг тузилмасида ҳам юридик хизмат фаолияти ташкил этилади. Юридик хизмат таркиби қўйидаги расмда келтирилган (1-расм).



1-расм. Юридик хизматлар таркибий тузулишининг ўзаро боғлиқлиги


Расмдан кўриниб турибдики, юридик хизматларнинг таркибий тузулишида биринчи ўринда **медиация** турибди. Бунда мавжуд бўлган баҳс-мунозараларни учинчи бетараф томон иштирокида тартибга солишга доир ҳуқуқий технология бўлиб, бунда томонларнинг тенг ҳуқуқлиги, ихтиёрийлик, ўзаро ҳурмат, конфиденциаллик, жараённинг шаффофлиги, медиаторнинг холислиги муҳум ҳисобланади.

Бундай ҳуқуқий жараёнда **ҳакамлик суди** ҳам иштирок этади. Ушбу суд фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи иқтисодий низоларни ҳал этувчи нодавлат орган сифатида фаолият олиб боради. Бунда ҳам холислик асосий ўрин эгаллайди.

Юридик хизматлар таркибий тузулишида **арбитражнинг** ҳам иштироки муҳимдир. Ушбу субъект доимий арбитраж муассасаси ёки муайян низони ҳал қилиш учун ташкил этиладиган арбитраж суди томонидан низони ҳал этиш тартиб-таомилига амал қилган ҳолда фаолият олиб боради. Ушбу ташкилотнинг ҳам асосий принципи субъектлар ўртасида холислик ва қонунийликни таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Маълумки, юридик хизматлар таркибий тузулишининг таркибида **адвокатлик** муҳим аҳамиятга эга. Ушбу субъект жисмоний ва юридик шахсларга юридик хизмат кўрсатиш мақсадида – ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотномалар бериб боради.

Медиация, ҳакамлик суди, арбитраж функцияси жиҳатдан ўхшаш бўлиб, жиноят судига доир ишлар юзасидан қарорлар қабул қила олмайди ва кўриш ваколатига эга эмас. Асосий принципи ҳар учаласини ҳам томонларни келишуви асосида ишни кўриш мумкин бўлади. Адвокатлик хизмати эса, булардан фарқли ўлароқ ҳар қандай иш юзасидан маслаҳатлар бераолади ва ордер асосида ўз миждозини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлади.



Юқоридаги юридик хизматларнинг ўзига хослиги шундаки, уларнинг иш принципи бир хилликка асосланган бўлиб, улар нотижорат ташкилот сифатида, хўжалик ҳисоби асосида ўз фаолиятини олиб боради.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, юридик хизматларнинг таркиби ва уларнинг бажарадиган функциялари ҳам мамлакатимизда адолатни ўрнатишда муҳим аҳамият касб этиши мумкин экан. Буларнинг турлари медиация, ҳакамлик суди, арбитраж иборат бўлиб, уларнинг функциялари мазмун жиҳатидан бир-бирига ўхшаш бўлиб, жиноят судига доир ишлар юзасидан қарорлар қабул қила олмайди ва кўриш ваколатига эга ҳам эмас экан. Фақат адвокатлик хизмати, булардан фарқли ўлароқ ҳар қандай иш юзасидан маслаҳатлар бераолади ва ордер асосида ўз мижозини ҳимоя қилиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади. Шу жиҳатдан ушбу хизмат тури бошқаларга нисбатан устувор аҳамиятга эга.

Тадқиқот жараёнида айрим тавсияларни ҳам ишлаб чиқдик. Булар:


Биринчидан, конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини ҳам таъминлашда юридик хизматларни суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бош мезонига айлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали юридик назоратини ўрнатиш ҳамда маъмурий адлия тизимини янада ривожлантириш мақсадида ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқларини аниқ ва адолатли ҳимоя қилиш учун Ягона электрон реестр яратиш ва шу орқали жиноят иши кўзгатилишидан тортиб иш юзасидан ҳукм чиқарилгунига қадар бўлган жараённи индивидуал рақам ва QR коди орқали кузатиб бориш имкониятини жорий қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ушбу тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган юридик хизматларни такомиллаштиришга қаратилган мақсадларнинг амалга оширилишига, хусусан, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни амалга оширишда хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январида “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2733-сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2017 йил 19 январда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2733-сонли қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 250-сонли қарори қабул қилинди.
3. Хван Л.Б. “Солиқ ҳуқуқи” Консаудитинформ нашриёти, 2001 й. 430-Б,
4. Отахонов Ф.Ҳ. “Юридик хизматнинг хўжалик шартномаларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашдаги роли” Ж.Хўжалик ва ҳуқуқ. – 2001. – 10-сон. – Б.26-33.,
5. Бобоев Ҳ.Б. “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” Тошкент Давлат юридик институти, 2000 й. 523-Б.
6. Зокиров И.Б. “Фуқаролик ҳуқуқи” Тошкент Давлат юридик институти, 2009 й. 609-Б.
7. Мухамедов Ў.Х. “Ҳуқуқшунослик асослари”. Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2019 й. 348-Б.
8. Муқимов З. “Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи” Тошкент Адолат нашриёти. 2003. - 280-Б. ,
9. Одилқориев Х.Т. “Ўзбекистонда давлат ва жамият инновацион ривожланишининг ҳуқуқий жиҳатлари” Юристар малакасини ошириш маркази. 2019 й. 307-Б. ,



10. Оқюлов О. “Интеллектуал мулк ҳуқуқи”. – Тошкент, Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2005 й.. 40-Б.,

**Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев
Тураев Шахриёр Шодиёрович**

**СОСТАВ ЮРИДИЧЕСКИХ УСЛУГ И
ВЫПОЛНЯЕМЫЕ ИМИ ФУНКЦИИ.**

Аннотация: В статье в настоящее время во всем мире, в том числе особое значение придается тому, что потребность в юридических услугах также возрастает в период бурного развития населения, которое постоянно растет в нашей стране, отмечается, что каждая страна должна иметь совершенное законодательство, удовлетворяющее этому требованию. Обеспечивая верховенство закона в обществе, в укреплении легитимности, несравненная роль юридических служб в доведении сути принимаемых правовых документов до руководителей и населения, важное значение придается также роли юриста в ее реализации.

Ключевые слова: юридическое обслуживание, в соответствии с договором (контрактом), физическое лицо, юридическое лицо, реквизиты сторон, доверителем, подзащитное, коллегия, фирма, бюро.

**Mamaynus Karshibaevich Pardaev
Turaev Shakhriyor Shodiyorovich**

**COMPOSITION OF LEGAL
SERVICES AND THE FUNCTIONS
PERFORMED BY THEM.**

Abstract: The article currently throughout the world, including the fact that special importance is attached to the fact that the need for legal services also increases during the period of rapid development of the population, which is constantly growing in our country, notes that each country must have perfect legislation that satisfies this requirement. Ensuring the rule of law in society, in strengthening legitimacy, the incomparable role of legal services in conveying the essence of adopted legal documents to leaders and the population, great importance is also attached to the role of the lawyer in its implementation.

Key words: legal services, in accordance with the agreement (contract), individual, legal entity, details of the parties, principal, client, board, company, bureau.